

# ЁҚИЛГИ МОЙЛАРНИ ФЕНОЛЛАР БИЛАН СЕЛЕКТИВ ТОЗАЛАШ УСУЛИ

Pattayeva Z.S

I. Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali  
“Metallurgiya va kimyoviy texnologiya fakulteti

Mamatqulov N.N.

M. Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy universiteti kimyo fakulteti

**Аннотация:** Ушбу мақолада нефтдаги ёқилғи мойни феноллар билан тозалаш усули ишлаб чиқиди. Жараён учун олинган мойни фенол билан селектив усулда тозалаш жараёни амалга оширилди. Жараённи амалта оширишда ёқилғи мойларни тозалаш заводларида мавжуд ускунага үхашаш макетли ускуни ясалди ва лаборатория шароитида жараён амалга оширилди.

**Калит сўзлар:** Нефт, ёқилғи мой, селектив, фенол, крезол, фракция, углеводород, рафиналли, эритма, экстракт, бензин, спирт, актив, жараён,. Шарбатсимон, суюқлик, қорамой, кокс.

Селектив эритувчи эритмалар - асосан мойлар ва хом ашёларни улар таркибига оид бўлмаган турли механик аралашмалардан тозалаш, бундан ташқари хом ашёни турли чиқинди моддалардан тозалаш учун қўлланилади. Бундай тозалаш усулига асосланишнинг сабаби селектив эритувчи эритмалар хом ашё таркибидан ажралиб чиқаётган маҳсулотлар турига қараб бир қанча аралашма ҳосил қилиш қобилиятига эгадир.

Нефт мойларини ишлаб чиқаришда асосий жараёнлардан бири танлаб (селектив) тозалаш жараёнидир. Бу жараёнлар орқали мойларни ишлатишнинг муҳим хусусиятлари, яъни оксидланишга барқарорлиги ва иссиқлик-қовушқоқлик хусусиятларини яхшилаш имкониятини беради. Жараён нефт хом ашёсидан маҳсус танланган эритувчилар ёрдамида олтингугурт ва азот бирикмалари, қисқа ён занжирли кўп циклли ароматик ва нафтен-ароматик углеводородларни, тўйинмаган углеводородлар ва смолали моддалардан тозалашга асосланган. Саноат миқёсида танланган (селектив) эритувчилар сифатида фенол, крезол, фурфурол ва буғли эритувчи аралашмаларидан кенг фойдаланилади [1].

Селектив тозалашни барча қурилмалари технологик тизимда узлуксиз ишловчи жиҳозларда хом ашё компонентлари экстракция орқали икки фаза ҳосил қилиш, рафинатли ва экстрактли эритувчилардан ҳайдаш йўли орқали эритувчиларни узлуксиз қайта тиклаш ҳамда эритувчини сувсизлантиришдан иборат.

Мойларни танлаб эритадиган эритувчилар ёрдамида тозалаш кўп қўлланилади. Мой фракциялари углеводородларнинг ҳар хил синфлари ва гетероциклик бирикмаларнинг аралашмаларидан иборатdir. Углеводородларни физик хоссалари уларни маълум синфларга мансуб эканлиги ва молекуляр массаларига боғлик. Гетероциклик углеводородларни физик хоссалари бошқалардан фарқли бўлиб, улар ҳар хил ҳароратларда ҳар хил тезлиқда органик эритувчиларда танлаб эрийдилар.

Фенол танлаб ёки селектив таъсир эткувчи эритувчига киради. У маълум ҳароратда нефт маҳсулотлари аралашмасидан кераксиз углеводород компонентларни ажратишда ва тозалашда қўлланилади [2-3].

Ёқилғи мойларни тозалашда эритувчилар қуидаги талабларга жавоб бериш керак:

1. Эритувчи катта ҳарорат оралиғида яққол кўриниб турувчи танлаб эритиш хоссасига эга бўлишиши керак.
2. Эртувчи тозаланаётган маҳсулотда эримаслиши керак.
3. Эритувчини ва бошланғич хом ашёни зичлигидаги фарқи катта бўлиши керак чунки, бунда фаза тез ажralади.
4. Эритувчи хом ашёга нисбатан кимёвий барқарор, инерт, заҳарсиз, портловчи эмас ва қурилмани коррозияга учрамаслиги керак.
5. Эритувчи енгил ва тўла регенерацияланадиган бўлиши керак. Бунинг учун қайнаш ҳарорати мойнинг қайнаш ҳароратидан паст бўлиши керак.

Биз ёқилғи мойни тозалашни фенол ва крезол билан тозалаш жараёнини амалга оширдик. Фенолни танловчанлиги паст хисоблансада лекин умумий эрувчанлик қобиляти юқори. Селективликни пастлиги натижасида экстракт таркибида мойнинг қимматбаҳо компонентларни ҳам эриб қолиши мумкин, деаслфалътизатга эса смола ва асфльтенлар ўтиб кетади. Биринчи қоидасида мойнинг фоиз миқдордаги чиқиши камайса, иккинчисида эса деаслфалътизатни сифати пасаяди.

Фенол қутбли эритувчилар қаторига киради. Унинг қутблилиги, табиати, таркиби ва молекуляр тузилиши тозалаш жараёнининг унумдорлигигига таъсир қиласи.

Хозирда минерал мойлар ишлаб чиқариш саноатида кенг кўламда амалий жиҳатдан фенол, крезол, фурфурол ва N-метилпролиддон эритувчиларидан фойдаланилади.

Фенол ва крезол эритувчиси олtingугурт бирикмалари ва смолани, қисман сульфатидан яхши эритади. Шунинг учун эритувчилар орасида фенол ва крезол мойларни танлаб эритишда унумли эритувчи ҳисобланади. Айнан унинг хоссаларини инобатга олган иҳолда нефтни қайта ишлаш заводларинин мойлари лойқаланган

## Фенолнинг физик-кимёвий хоссаларинг кўрсатгичлари

1	Зичлиги 20 °C. Кг/м <sup>3</sup>	1071
2	Молекуляр оғирлик	94,11
3	Синдириш кўрсаткич, 41 °C	1,5425
4	Критик ҳарорат, °C	419
5.	Критик босим, МРа	6,05
6.	Иссиқлик сифими, 45 °C да, KD/ kg*grad)	
7.	Қовушқоқлик 45 °C да кинематик, мм <sup>2</sup> /с динамик, Pa*c	3,8 4,0
8.	Ҳарорат, °C чиқариш	79
	Буғларнинг ҳавода алангаланиши	430
	Атмосфера босимида қайнаши эриши	181 +41
9.	Фенолни сувда эрувчанлиги	
	20	8,2
	40	9,6
10.	Сувнинг фнолда эрувчанлиги %, ҳарорат °C	
	40	33,2
11.	Боғланиш энталпияси, RD/mol	45
12.	Сув билан азетроп аралашманинг қайнаш ҳарорати	
	Атмосфера босимида °C	99,6
13.	Сув билан азетроп аралашмадаги фенолнинг таркиби %	9,2
14.	Дипол моменти	1,7
15.	Дипол моменти	5

Берилганлардан кўринадики, фенолнинг зичлиги деярли катта эмас, бу эса рафиналли ва экстрактли эритмаларни тўқнаштирилганда фазалар ажралиш шароитига салбий таъсир қиласи. Ҳайдаш ҳароратининг юқори бўлиши қувурли ўчокларда ёқилгининг кўп сарф бўлишига ва қурилмаларда иситиш харажатларининг кўпайишига олиб келади. Фенолнинг барча камчиликлари: кристалланиш ҳароратининг баландлиги, бунда экстрактор коллонасидаги ишчи ҳарорат диапозони қисқаради. Юқори қовушқоқлиги, бунда коллонада оралиқ

оқимларни түқнаштирилганда фазалар мувозанатини ҳосил бўлиш тезлиги пасаяди, модда алмашиниш жараёни ёмонлашади, юқори заҳарлилиги, колонна типидаги қурилмаларда эмулцияланишига мойиллиги баланд.

Фенол билан тозалашда биз унинг танлаш хоссаларини кўтариш учун қўшимча равища этил ёки метил спиртини иккинчи эритувчи сифатида қўшдик ва жараёнларни амалга оширдик. Жараёнлар лаборатория шароитида олиб борилди.

Ёқилғи мойни фенол-этанол эритувчиси билан экстракцияланганда рафинат чиқиши 4-5% га қуруқ фенол билан тозаланганда нисбатан қўпаяди.

Фенолнинг ажратиш хоссасини кўтариш учун унга қўшимча енгил бензин фракцияси, спиртлар, спирт актив моддаларни ҳам қўшиш билан жараёнлар олиб борилди. Ана шу барча қўшилган қўшимчалар фенолнинг танлаш хоссасини кўрсатади.

Хозирда ишлаб чиқариш заводларида ёқилғи мойларни фенол билан тозалаш жараёни кенг қўлланилмоқда. Иссиқлик бериб буғдистиллятлари ҳосил қилувчида хом ашё тахминан  $110\text{--}115^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади ва насос орқали колоннанинг юқори қисмидаги абсорберга узатилади. Фенол ва сув буғлари юборилиб, туташган жойида хом ашё фенолда эритилади. Абсорбер ичига сув буғи конденсатор-совутгич орқали юборилади. Хом ашё абсорбер қуи қисмидан совутгич орқали экстракцион колоннанинг қуи қисмига узатилади, колоннанинг юқори қисмидан эса эритучи эритма юборилади.

Қарама-қарши юборилган суюқликларнинг ўзора таъсирашувидан хом ашё зичлигининг бир хиллигига эришилади (фенол ва фурфуролнинг зичлиги катта бирликка эга). Натижада ўзора қарама-қарши юборилган суюқликлар орасида ҳажм ва масса алмашинишидан мой таркибиға оид бўлмаган чиқинди моддалар эритма таркибиға ўтади.

Колонналар пастки қисмига шарбатсимон қуюқ суюқликлар (экстракт) эритмалар тўпланса, колоннанинг юқори қисмida оч сарғиш (рафинадли) қуюқ суюқлик тўпланади. Колоннанинг юқори қисмida сувдан тозаланган маҳсулотларни 80–90% оч сарғиш (рафинатли) қуюқ суюқликлар ва кам миқдорини (10–20%) эритувчи эритмалар ташкил этади. Колоннанинг пастки қисмига эритувчи эритмалар таркибидаги шарбатсимон (экстракт) қуюқ суюқликлар ажralиб чиқади. Сўнг оч сарғиш (рафинатли) қуюқ суюқлик ва шарбатсимон (экстракт) қуюқ суюқликлар алоҳида–алоҳида трубасимон печкада қиздирилади. Қиздирилган суюқликлар буғ ҳолда ректификацион колоннага юборилади ва ректификацион колоннанинг юқори қисмидан суюқлик буғига қарама-қарши сув буғи юборилиб углеводородли моддалардан ҳамда чиқинди аралашмалардан эритувчи эритмалар ажратиб олинади. Шарбатсимон (экстракт) қуюқ суюқликлардан қорамой ва кокс олишда фойдаланилади. Оч сарғиш

(рафинатлы) куюқ суюқликлар эса яна қайта тозаланишга берилиб, улардан керакли йұналишдаги тайғөр тоза маҳсулотлар олинади.

Биз ушбу жараён амалга ошириш учун лаборатория шароитида ҳаракатли ишлаб чиқариш макетини яратдик ва ёқылғи мойни тозалашни тажриба жараёнини фенол билан амалга оширдик.

#### Адабиётлар рүйхати:

1. Н.Н. Усмонов, Қ.Қ.Қурбонов. Химмотология. нефтни қайта ишлиш услуглари ва технологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2013. 72-б.
2. Mamatqulov N.N., Abdushukurov A.K., Pattayeva Z.S. Fenol birikmalarining antioksidantlik xossalalarini aniqlash usullari// ilmiy tadqiqotlar va jamiyat muammolari. vol. 5 no. 1 (2023): Pp. 7-9.
3. Pattaeva Z. S., Mamatkulov N. N. Testing the biological activity of some properties of phenylchloracetate in the pass online program// International Journal of Economy and Innovation |Volume 37 | Gospodarka i Innowacje| 2023. Pp. 74-78 For more information contact: editor@gospodarkainnowacje.pl